*Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқ депутатлари съездининг қарори*

# СССР ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

анча камайтирилсин. СССР Олий Советининг тегишли комитетлари ва палаталарнинг комиссиялари аҳволни таҳлил қилиб, қурилаётган ва лойиҳалаштирилаётган кенг миқёсли объектларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаб беришлари лозим.

СССР Энергетика программасига ўзгартиш киритиш, унинг кенг муҳокамасини ўтказиш ҳукуматга топширилсин.

Экономикани ривожлантириш ҳамда социал вазифаларни ҳал этиш учун ҳарбий харажатларни қисқартириб, оқилона етарли даражага келтириш, космик тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигида космик техника ютуқларидан кенг фойдаланиш ҳисобига қўшимча ресурслар қидириб топилсин. СССР Министрлар Совети мудофаа саноати конверсияси программасини 1989 йил охирига қадар ишлаб чиқсин. Бунда бўшаб қоладиган қувватлар ва моддий ресурслардан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда енгил саноат, агросаноат комплекси, савдо, умумий овқатланиш ва соғлиқни сақлаш учун ускуналар ишлаб чиқаришда фойдаланилсин. Қуролли кучларни қисқартириш муносабати билан бўшаб қолаётган маблағларнинг бир қисмидан ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг моддий-маиший шароитларини яхшилаш учун фойдаланилсин.

Съезд халқ хўжалигида жуда катта нобудгарчиликларга йўл қўйилаётганлиги, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари кўплаб бузилаётганлиги, ўтакетган хўжасизлик ва масъулиятсизликдан жиддий ташвиш билдиради. Съезд СССР ҳукуматидан, совет ва хўжалик органларидан бундай ҳолларнинг пайини қирқиш учун қатъий чоралар кўришни талаб қилади ҳамда халқ депутатлари Советларига, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларига, меҳнат коллективларига мурожаат қилиб, ҳамма жойда нобудгарчилик ва хўжасизликка қарши, меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш учун умуммиллий кампанияни авж олдириб юборишга чақиради.

Съезд қишлоқ хўжалигини, агросаноат комплексининг барча тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур, деб ҳисоблайди. СССР Олий Совети ер ва ердан фойдаланиш тўғрисидаги Қонунни тубдан янгиласин. Ерни унда ишлайдиган кишиларга ижарага бериш, жумладан муддатсиз ижарага бериш йўлидан дадилроқ бориш зарур. Ерни ижарага бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш маҳаллий Советлар зиммасига юклатилиб, уларнинг ваколатлари қонун йўли билан кенгайтирилсин. Колхозлар ва совхозлар билан бир қаторда хўжалик юритишнинг хилма-хил шакллари — агрофирмалар, кооперативлар, ижарачи коллективлар, деҳқон хўжаликлари ривожлантирилсин, уларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида мусобақалашуви учун шароит яратилсин. Қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасида тенг муносабатлар, моддий-техника ресурслари қишлоқ хўжалигига биринчи навбатда етказиб берилиши таъминлансин, унинг структурасидаги ўзгаришлар ҳисобга олиниб, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш қайта қурилсин. Аграр секторнинг социал базаси мустаҳкамлансин, қишлоқ хўжалик корхоналарига буйруқ беришга ҳар қандай уринишларга қатъий чек қўйилсин.

Аграр соҳа халқ депутатлари группасининг съездга мурожаати қўллаб-қувватлансин ва СССР ҳукуматига бу мурожаатда ўртага қўйилган қишлоқни ривожлантиришнинг туб муаммоларини ҳал этишга дарҳол киришиш топширилсин.

СССР Министрлар Совети хўжаликларга юқори сифатли қўшимча маҳсулот етказиб беришни унга дон ва озиқ-овқат маҳсулотларини чет мамлакатлардан сотиб олишни қисқартириш натижасида тежалган валюта билан ҳақ тўлаш орқали рағбатлантириш юзасидан эксперимент ўтказсин.

СССР Олий Совети, унинг комитетлари ва палаталарнинг комиссиялари, СССР Министрлар Совети 1991—1995 йилларда ва 2005 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг беш йиллик плани концепциялари ва асосий йўналишларини ишлаб чиқишга киришсинлар. Ана шу иш жараёнида иқтисодий ўсишни социал соҳага йўналтиришга, беш йиллик планнинг тўла мутаносиб бўлишига эришишга, республикалар ва маҳаллий Советларнинг мустақиллигини кенгайтиришга, ресурсларни тежаш масалаларига, аҳолини иш билан тўла ва самарали таъминлаш учун шароит яратишга алоҳида эътибор берилсин. Планлаштиришда ҳамда корхоналар ва территориялар хўжалик фаолияти натижаларига баҳо беришда илпи миқдор кўрсаткичларидан фойдаланишдан воз кечилсин.

Съезд туб иқтисодий ислоҳотни оғишмай ўтказишни, планлаштириш методларини, молиявий воситаларни, нархларни, солиқларни, меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини ўзгартириш, территориал хўжалик ҳисобини жорий этиш юзасидан ўзаро боғлиқ тадбирларни амалга оширишни зарур деб ҳисоблайди. Тўпланган тажрибани ва йўл қўйилган хатоларни ҳисобга олиб, ислоҳотни амалга ошириш жараёнининг ўзини бошқаришни тубдан яхшилаш, ислоҳот принципларидан чекинишга йўл қўймаслик зарур. Ҳукуматда иқтисодий ислоҳот давлат комиссиясини тузиш зарур деб ҳисоблансин.

Съезд иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш мақсадида СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Советига қуйидагиларни топширади:

— социалистик мулкнинг эксплуатацияни ва ходимни ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштиришни истисно қиладиган хилма-хил шаклларини ривожлантириш таъминлансин. Мулкнинг умумдавлат, маҳаллий (коммунал), кооператив шакллари, ижара ва улушбайга асосланган шакллари (акционерлик шакли), якка тартибдаги меҳнат фаолиятига асосланган шакли, шунингдек турли аралаш шакллари ривожланиши ва эркин мусобақа қилиши учун тенг ҳуқуқли шароит яратилсин, кооператив ҳаракатини ривожлантиришдаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш чоралари кўрилсин;

— яқин йилларда ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо қилишга босқичма-босқич ўтилсин, социалистик бозор, жумладан қимматбаҳо қоғоз ва инвестиция ресурслари бозори барпо этилиши учун шароит яратилсин. Иқтисодий мусобақани кенг ривожлантириш учун ва монополия қилиб олиш ҳодисаларига қарши курашиш учун зарур чоралар кўрилсин;

— зарар келтирадиган ва кам рентабелли корхоналар муаммосини, жумладан уларни ижарага топшириш, меҳнат коллективларининг кооператив мулкига айлантириш, бир қанча ҳолларда эса ёпиб қўйиш йўли билан ҳал этиш йўналишлари белгилансин;

— молия системасини тубдан қайта қуриш амалга оширилсин, ресурслар учун ҳақ тўлаш ва фойдадан (даромаддан) прогрессив солиқ ундириш системасига ўтилсин. СССР Давлат банкининг роли мустаҳкамланиб, мустақиллиги оширилсин. Кооператив ва савдо-сотиқ банклари, жумладан республика ва регионал банклар тузилишига кўмаклашилсин;

— ёқилғи-энергетика ва хом ашё ресурсларини чет мамлакатларга сотишни камайтириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш ва сўмнинг алмашувига босқичма-босқич ўтиш негизида импорт структурасини ўзгартириш программаси ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилсин.

Съезд ишлаб чиқариш корхоналари (бирлашмалари) ташаббускорлиги ва мустақиллигини иқтисодий ислоҳотнинг бошланиши сифатида ҳар томонлама ривожлантириш йўлини қўллаб-қувватлайди. Уларни тўла хўжалик ҳисобига изчиллик билан ва оғишмай ўтказишни, хўжалик ҳисобининг турли моделларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, пудрат, ижара, акционерлик ширкатларини ривожлантириш зарур.

Социалистик концернлар, тармоқлараро бирлашмалар, иттифоқлар ва бошқа уюшмалар ихтиёрийлик асосида барпо этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш лозим. Ана шу шаклларни ривожлантириш министрликларнинг вазифаларини тубдан ўзгартиришга уларнинг сонини муттасил камайтириб боришга имкон беради.

Маъмурий фармойишлар ва буйруқларга эмас, балки бошқарувнинг қонун билан тартибга солинадиган иқтисодий усулларига асосланган хўжалик системасида марказнинг роли барча даражада самарали хўжалик фаолияти учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишдан, умумиттифоқ инфраструктурасини ривожлантиришдан, умумдавлат миқёсида илмий-техникавий, молиявий ва солиқ сиёсатини ўтказишдан, гражданларнинг социал жиҳатдан муҳофазасини таъминлашдан иборат бўлади.

Расмий манбалардан бериладиган бошқа ҳар қандай ахборот каби статистика ахборотининг ишончлилиги ва тўлалиги, пухталиги таъминлансин, пулнинг қадрсизланиши даражаси ва суръатлари тўғрисида объектив маълумотларнинг эълон қилиниши йўлга қўйилсин, мамлакат иқтисодий тараққиётига доир статистика кўрсаткичларининг халқаро практикада қабул қилинган тегишли кўрсаткичлар билан қиёсланиши таъминлансин.

## IV.

Съезд Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида бутун давлат ҳокимияти халқ қўлида бўлиб, халқ бу ҳокимиятни халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширишини тасдиқлайди.

Съезд XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ишлаб чиққан барча даражадаги партия ва давлат органлари ўртасида вазифаларни аниқ белгилаб қўйиш, социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, барча жамоат ташкилотлари, шу жумладан КПСС ҳам СССР Конституцияси, совет қонунлари доирасида ҳаракат қиладиган принципни изчиллик билан амалга ошириш йўлини қўллаб-қувватлайди.

Съезд янги Конституция—ССР Иттифоқи Асосий қонунини тайёрлаш юзасидан дарҳол иш бошлаш, шу мақсадда Конституцион комиссия тузиш фикрини бир овоздан маъқуллайди. Янги Конституцияда инсонпарвар, демократик социализм принциплари мужассамлаштирилиши, Совет давлати тузилишининг социал-иқтисодий ва сиёсий негизлари, давлатнинг ленинча федератив тузилиши, ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шартнома-конституцион табиати, автономия барча турларининг ривожлантирилиши, Советларнинг юксак статуси, инсоннинг дахлсиз ҳуқуқлари, шахснинг хавфсизлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлиги тасдиқланиши керак. Янги Конституция шахсга сиғинишнинг, ўзбошимчаликнинг пайдо бўлишига, жамиятни бошқаришнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари сақланиб қолишига йўл қўймайдиган социал-иқтисодий ва давлат структурасини ўзида мужассамлаштирмоғи лозим.

СССР Олий Советига депутатларнинг съездда айтган таклифларини ҳисобга олиб, амалдаги СССР Конституциясига киритиладиган зарур тузатишларни халқ депутатларининг навбатдаги съездига тайёрлаш топширилсин.

Съезд давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг устунлигини, беистисно барча гражданлар, мансабдор шахслар ва ташкилотларнинг қонун олдидаги тенглигини қарор топдиришга азму қарор берганлигини маълум қилади. Барча гражданлар хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавобгардирлар. Аммо, давлатнинг ўзи ҳам ўз органлари ва мансабдор шахслар тимсолида ўз ҳаракатлари ва қарорлари учун ҳар бир граждан ва бутун совет халқи олдида жавобгар бўлиши керак. Гражданлар, жамоат ташкилотлари, кооперативлар, корхоналарнинг, социал-сиёсий ва иқтисодий фаолиятида «Қонун билан тақиқланмаган барча нарсаларга ижозат берилган» деган принцип изчиллик билан қарор топиши керак.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг асосий жиҳатлари қонун билан аниқ тартибга солиниши керак. Барча мансабдор шахсларнинг гражданлар ҳуқуқларини камситиб якка ўзлари ёки коллегиал тарзда қилган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Қонун — ҳуқуқий давлатнинг пойдевори, гражданлар ҳуқуқлари ва тенглигининг, жамиятдаги тартиб ва уюшқоқликнинг посбони, социал адолат принципининг кафолатидир.

Съезд инсоннинг яшаши ва эркинлиги дахлсиз ҳуқуқлари, шахс ва уй-жойнинг дахлсизлиги ва хавфсизлиги, халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқларининг ўзгармаслиги ва муқаддаслигини тан олишга асосланади. Инсон ҳуқуқлари ва халқлар ҳуқуқларининг бирор-бир йўсинда камситилишига йўл қўйиб бўлмайди. Совет қонунчилик системаси, суд, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ана шу ҳуқуқларни изчиллик ва қатъият билан амалга оширишлари ва ҳимоя қилишлари керак.

Халқаро нормалар ва принципларга, жумладан инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида, Хельсинки битимлари ва Вена учрашувидаги аҳдномаларда баён этилган норма ва принципларга таяниб, ички қонунларни ана шу ҳужжатларга мувофиқлаштириб, СССР ҳуқуқий давлатлар жаҳон ҳамжамиятини бунёд этишга кўмаклашади.

Съезд шуни таъкидлайдики, амалдаги СССР Конституциясига мувофиқ у ССР Иттифоқи ихтиёридаги барча масалаларни кўриб чиқишга ва ҳал этишга ҳақлидир. Айни вақтда съезд барча асосий қонун актларини узлуксиз ишлаб турадиган СССР Олий Совети ўз комитетлари ва палаталар комиссияларининг фаол иштирокида, муҳокаманинг ошкоралиги ва рўй-ростлигини, қарорлар ва таклифларнинг бошқа вариантлари киритилишини назарда тутадиган, аниқ-пухта ишлаб чиқилган, демократик иш тартибига мувофиқ тайёрлаши, муҳокама қилиши ва қабул этиши керак деб ҳисоблайди.

Съезд СССР Олий Советига навбатдаги съездга тақдим этиш учун СССР Олий Совети составини ҳар йили янгилаб бориш тартиби тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқишни топширади.

Съезд СССР Олий Советига 1990 йилнинг бошларигача ҳаётнинг иқтисодий, социал ва сиёсий соҳаларида Советларнинг тўлаҳокимлиги акс этган, шунингдек, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликка барҳам бериш тадбирлари изчил ва конкрет акс этган қонун актлари тайёрлашни топширади. Барча даражалардаги халқ депутатлари Советларини қайтадан тузиш, улар фаолияти методларини демократиялаш, ҳуқуқлари ва ваколатларини ҳар жиҳатдан кенгайтириш, уларга ижрочи аппаратни албатта бўйсундириш — Советларга ҳокимиятнинг реал воситаларини қайтариб беришнинг зарур шартидир. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ҳукуматлари ҳокимиятнинг олий органлари — съездлар ва олий Советларга батамом ҳисоб бериб туришлари ва улар олдида жавобгар бўлишлари керак. Барча маҳаллий ишларга раҳбарлик ўз-ўзини бошқариш принциплари асосида, гражданларнинг ташаббусларини имкони борича ривожлантириш, жамоат ташкилотлари ва демократик ҳаракатларнинг ролини ошириш негизида амалга оширилиши керак. Ҳокимиятнинг ваколати 1990 йилнинг февраль ойида тугайдиган республика ва маҳаллий органларига бўлажак сайловлар ана шу вазифаларнинг муваффақиятли бажаралишига хизмат қилиши лозим.

Мамлакатдаги демократик жараён амалий ривожланишнинг Конституцияда белгилаб қўйиладиган гарантияларини мустаҳкамлаш, сайлов системасини изчиллик билан демократиялаш, республикаларда сайлов қонунлари ишлаб чиқилаётганида СССР халқ депутатларига бўлиб ўтган сайлов тажрибасини тўлиқроқ ҳисобга олиш керак.

Иқтисодий ислоҳотни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш қонунчилик соҳасидаги худди шундай пайсалга солиб бўлмайдиган вазифадир. Съезд СССР Олий Советига социалистик корхона тўғрисида ягона қонун ишлаб чиқишни, шунингдек, ижара ва ижара муносабатлари, ягона солиқ системаси, республика хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик ҳақидаги қонунни тайёрлашни жадаллаштиришни топширади. СССР Олий Советига, иқтисодий ислоҳот масалалари комитетига палаталарнинг тегишли комиссиялари билан биргаликда республикаларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш масалалари хусусида уларнинг таклифларини, Литва ССР ва Эстония ССР Олий Советларининг қонун лойиҳаси сифатида тақдим этилган ва ана шу республикаларни 1990 йилдан хўжалик ҳисобига ўтказишни назарда тутган таклифларини кўриб чиқиш топширилсин.

Яқин вақт ичида оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва уюшмалар фаолиятини қонун йўли билан тартибга солиш зарур. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак.

Съезд мамлакатда ҳуқуқтартиботни қатъиян мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблайди. Демократик тараққиёт маъмурий бебошлик, халқ хоҳиш-иродасини ифодалаш эркини чеклаш билан ҳам, хоҳиш-иродани зўравонлик ва экстремистларнинг ўзбошимчалиги билан алмаштириш йўли билан ҳам барбод этилиши мумкин.

Съезд СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 8 апрель Фармонидаги 11 прим моддани бекор қилади ва 7-модда таҳририга аниқлик киритиш зарур деб ҳисоблайди, СССР Олий Совети Президиумининг митинглар ва намойишлар уюштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги ҳамда СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бурчлари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги фармонлари СССР Конституциясига нечоғлик мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни СССР Олий Советига топширишни зарур деб ҳисоблайди.

Съезд порага сотилиш, уюшган жиноятчилик, ўғирлик ва порахўрликка қарши курашни изчил давом эттиришни ва кучайтиришни, барча даражаларда ана шу шармандали ҳодисаларнинг пайини қирқишни, уларни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этишни талаб қилади. СССР Министрлар Совети жиноятчиликка қарши кураш умумиттифоқ программасини ишлаб чиқсин ва уни СССР Олий Советига тақдим этсин. Давлат гражданларнинг ҳаёти, сиҳат-саломатлиги, ор-номуси ва мол-мулкига тажовузлардан уларни муҳофаза этишга кафолат бериши, судлар, прокуратура, терговь, милиция органлари моддий-техника таъминотини кўтариш ва мустаҳкамлаш, бу органлар ходимларининг турмуш шароитини яхшилаш учун барча зарур тадбирларни кўриши шарт.

Суднинг мустақиллигини қатъиян мустаҳкамлаш ва терговнинг самарадорлигини ошириш, уни ҳар қандай идора таъсиридан ҳоли этиш — амалга ошириш мўлжалланаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотининг энг муҳим бўғинидир. Бирор-бир жиноятчи жиноятига яраша жазодан қутулиб кетмаслиги, аммо, бирор-бир айбсиз киши ҳам жазоланмаслиги керак. Жиноятга доир иш жараёнининг барча босқичларида, жумладан, тергов бошланган кундан адвокатнинг иштироки билан гражданларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан ҳимоя этиш йўли билангина бу вазифа ҳал қилиниши мумкин. Холис тергов, кучли ҳимоя ва мустақил суд — шу уч нарса одил социалистик судловнинг негизидир.

Съезд ҳақиқатан ҳам мустақил ва обрўли суд системасини бунёд этиш, шу мақсадда маслаҳатчилар суд мажлисидек судловнинг демократик формасидан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиб, келгуси йилнинг ўрталарида суд ислоҳотини ўтказишни таъминлашни СССР Олий Советига топширади. Иттифоқдош республикаларнинг суд системалари демократик одил судловнинг барча принципларига риоя этилган ҳолда шу республикалар сиёсий, ҳуқуқий ва маданий анъаналарини ҳисобга олиб барпо этилиши керак.

## V.

Съезд миллий масалага, миллатлараро муносабатларнинг ҳозирги аҳволига ва миллий сиёсатни принципиал янгилаш, миллатлараро муносабат масалаларига оқилона ва адолатли ёндашувни таъминлашга қодир бўлган сиёсий дастурни яратиш заруратга айланганига алоҳида эътиборни қаратади. Кўпмиллатли давлатимизнинг федератив тузилиши реал сиёсий ва иқтисодий мазмун билан тўлдирилиши лозим. Биз миллий муносабатларни батамом соғломлаштиришимиз, бу муносабатларни ахлоқ-одобимиз ва мафкурамизга, социализмнинг инсонпарварлик негизларига зид бўлган барча нарсалардан ҳоли этишимиз керак.

ССР Иттифоқи ва республикаларнинг суверен ҳуқуқлари ҳамда автономияларнинг ҳуқуқлари юридик жиҳатдан аниқ-равшан белгилаб қўйилиши керак. Республикаларнинг ССР Иттифоқига ихтиёрий бирлашувининг замини бўлган, Ленин томонидан олға сурилган миллий тақдирини ўзи белгилаш принципи ўзининг чинакам маъносида қайта тикланиши ва зарур демократик ҳуқуқий гарантиялар билан таъминланиши керак.

Съезд шуни маълум қиладики, ҳуқуқий давлатда республикаларнинг суверен ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг зарур юридик механизмини яратаётганда замонавий воқеликка асосланиш керак. Барча республикаларнинг экономикаси, демографияси, социал ва миллий структураси ўзгарди, миллий ўзини англаш кучайди, маънавий ҳаётда янги эҳтиёжлар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси миллатлараро муносабатлар масалаларига оқилона ва адолатли ёндашувни, федератив иттифоқ давлати доирасида барча совет миллатлари ва элатларининг ҳар жиҳатдан эркин ривожланишини, миллий тилларнинг равнақини, маданиятларнинг гуллаб-яшнашини таъминлайдиган сиёсий гарантияларнинг мустаҳкамланишини талаб қилади.

Съезд марказдаги ва жойлардаги ҳокимият органлари олдига бебошлик ва қонунсизлик даврининг яна бир оғир мероси бўлиб қолган миллий муаммоларни ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўлларини топиш талабини қўяди. Бир қанча миллатлар ва элатларга нисбатан адолат ҳозиргача ҳам тикланмаган. Вазиятнинг мураккаблигини, айрим республикалар ва регионларда ана шу вазиятнинг ўзига хос хусусиятини инобатга олиб, халқ депутатлари съезди қуйидаги қатъий позициясини изҳор этишни лозим деб ҳисоблайди: мазкур қарорга мувофиқ ишлаб чиқилаётган янги миллий сиёсат доирасида муаммонинг ечими қисқа муддатда демократик йўл билан топилиши керак. Съезд СССР Олий Совети Миллатлар Советига тегишли республикалар Олий Советлари билан биргаликда Волга бўйи немислари, қрим татарлари, месхети турклари ҳуқуқларини тиклаш, кам сонли халқларни ривожлантириш хусусида съездда кўтарилган масалаларни ўрганиш ва таклифлар тақдим этишни топширади. Миллатлар Советининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси Тоғли Қорабоғ автоном областидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқсин ва кўриб чиқиш натижалари тўғрисида СССР Олий Советига ҳисоб берсин.

Съезд қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайди:

— сиёсий соҳада — иттифоқдош ва автоном республикалар, бошқа миллий тузилмаларнинг ҳуқуқларига қатъий риоя қилиш ва ҳуқуқларни анча кенгайтириш, республика органлари ва маҳаллий органларнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш, буларнинг ҳаммасини биринчи қадам деб билиш лозим. Биз иттифоқдош республика ССР Иттифоқи ихтиёрига берилмаган барча масалаларни ҳал этиб, ўз территориясида давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириши принципи рўёбга чиқиши учун изчиллик билан олға боришимиз керак. Қонунчилик асослари ва умумий негизларни белгилаш иттифоқ компетенциясига кириши, бевосита амал қилувчи қонунларни қабул қилиш республикалар ҳуқуқи эканлиги тўғрисидаги конституцион қоидага федератив давлат мавжудлигининг асосий принципларидан бири деб риоя этилиши керак. Иттифоқ Конституция ислоҳоти етилган миллий масалаларни ҳар бир миллатнинг ўз тарихий, маданий хусусиятларига ва бошқа хусусиятларга тўлароқ мос даражада ривожланиши гарантияланган, ўзини-ўзи бошқарадиган демократик жамиятнинг ҳуқуқий негизи яратиладиган қилиб ҳал этиши лозим;

— иқтисодий соҳада — иттифоқ ва республикалар ўртасидаги муносабатларни иқтисодий мустақилликни умумиттифоқ меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш билан узвий қўшиб олиб бориш негизида такомиллаштириш. Республикалар, регионлар, ўлкалар ва областларни ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказиб, уларни экономикамизни янгилашнинг умумий жараёнига узвий тарзда қўшиб, мамлакат ягона халқ хўжалик комплексини тартибга солишни худди шу таҳлитда қайта қуриш зарур. Барча миллатлар ва элатлар ўзларининг суверен иқтисодий, социал ва бошқа манфаатларини тўла ифода этиш ва рўёбга чиқариш, регионлар ва бутун мамлакат халқ хўжалигини уйғун ривожлантириш мақсадида бу манфаатларни ўзаро тенг ҳуқуқли негизда келишиб олиш имкониятига эга бўлишлари керак.

— Маънавий соҳада — миллий маданиятларнинг хилма-хиллигидек буюк социал ва тарихий қадриятни тан олиш. Бу қадриятлар фақат мамлакатимизнинг мулки бўлиб қолмай, улар инсониятнинг маънавий мулкининг бетакрор ва беқиёс қисмидир, бинобарин съезд ҳам катта, ҳам кам сонли барча совет халқлари маданиятларига асраб-авайлаб муносабатда бўлиш, миллий тилларни ривожлантириш ва бойитиш зарурлигини таъкидлайди.

Съезд миллатлараро муносабатларда пайдо бўлиши мумкин бўлган ва пайдо бўлаётган зиддиятларни ҳал этишнинг ҳуқуқий формаларини яратиш зарур, деб уқтиради. Одамларнинг жуда нозик ҳис-туйғуларига дахлдор бўлган ана шу зиддиятларнинг мураккаблигини ҳисобга олиб, съезд барча миллатлар ва элатларнинг намояндаларига мурожаат этиб, бир-бирини тушунишга ва саховатли, оғир-вазмин ҳамда сабр-тоқатли бўлишга даъват этади. Биз ҳаммамиз биргаликда миллий муаммоларни ҳал этишда зўравонликни батамом истисно этиш ҳамда кўп миллатли совет халқининг демократик тараққиётини таъминлаш учун бир-биримизнинг ҳуқуқларимиз ва манфаатларимизни асраб-авайлашимиз ва ҳурмат қилишимиз лозим.

## VI.

Халқ депутатлари съезди Совет давлатининг қайта қуриш йилларидаги халқаро фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва бу фаолиятга юксак баҳо беради.

Ақидаларга асосланган тасаввурлардан воз кечиш, халқаро ҳаётдаги турли воқеалар ва жараёнларга ёндашувдаги реализм, умуминсоний қадриятларга уларнинг олдинги аҳамиятини қайтариш, давлатлараро муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатни аҳлоқ-одоб билан узвий боғлаш — буларнинг ҳаммаси янгича фикрлашнинг ўзига хос белгиларидирки, ана шу янги фикрлашга мувофиқ СССРнинг ташқи сиёсий йўлида туб ўзгаришлар содир бўлди.

Ҳозир бу ташқи сиёсат КПСС XXVII съездининг ядровий қуролланиш пойгаси инсониятнинг яшаши учун ялпи қирғин хавфи солаётгани, ҳозирги дунёнинг яхлитлиги ва ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, халқларнинг социал-сиёсий йўлни ўз ихтиёрлари билан танлаб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги тарихий хулосаларига мустаҳкам асосланмоқда.

Съезд шуни қайд этадики, қайта қуриш йилларида янгича сиёсий фикрлаш принципларининг амалга оширилиши натижасида халқаро кескинлик анча камайди. Ядро аслаҳалари, иттифоқчи мамлакатлардаги совет қўшинларининг сони қисқартирилди, Афғонистондан совет қўшинларининг олиб чиқилиши сўнгги йиллардаги энг муҳим ташқи сиёсий тадбир бўлди. Съезд парламентларга ва халқаро жамоатчиликка мурожаат қилиб, афғон урушидан қайтиб келмаган ва чет элларда азоб чекаётган совет солдатлари ва офицерларининг қайтиб келишига бутун чоралар билан ёрдам беришга даъват этади.

Айни вақтда съезд ҳозирча қуролсизланиш ва ишонч тадбирларини мустаҳкамлаш соҳасида бошланган ижобий ўзгаришлар муқаррарлигининг гарантиялари таркиб топмаганлигини таъкидлайди. Ана шундай шароитда мамлакатимизнинг ишончли мудофаасини таъминлаш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Съезд Совет армиясини ташкил этишнинг амалдаги принципларига мувофиқ уни сифат жиҳатидан янада ривожлантиришни маъқуллайди. Ватанпарварлик руҳида тарбияланган, бутун совет халқи билан мустаҳкам боғланган ва унинг манфаатларига садоқатли Совет Армияси тўғрисида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилиш лозим.

Съезд Совет — Хитой муносабатларининг нормаллашувини умумжаҳон аҳамиятига молик воқеа деб қутлайди. Съезд барча социалистик мамлакатлар билан бундан буён ҳам тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик ривожлантирилишини ёқлайди. Съезд СССР ҳукуматига қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишида асосий омил бўлган Совет — Америка муносабатларини янада яхшилашга эришишни, «Умумевропа хонадони»ни бунёд этишда Совет Иттифоқининг янада фаол иштирокини таъминлашни, Ҳиндистон билан дўстона муносабатларга алоҳида эътибор бериб, Осиё — Тинч океан регионида Владивосток йўлини давом эттиришни, Лотин Америкаси ва Африка билан самарали алоқаларни ривожлантиришни, барча чегарадош давлатлар билан яхши қўшничиликни мустаҳкамлашни топширади.

Съезд қайта қуриш туфайли рўёбга чиққан Совет Иттифоқининг ташқи йўлини бундан буён қуйидаги принциплар негизида ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди:

— мамлакатнинг хавфсизлиги, аввало, демилитаризация жараёнида, халқаро муносабатларни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш жараёнида, БМТнинг обрўси ва имкониятларига таяниб, ялпи ва тенг хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида сиёсий воситалар билан таъминланиши керак;

— қуролсизланиш ва давлатнинг мудофаа потенциалини оқилона етарли даражагача қисқартиришга қаратилган музокаралар жараёнида ядро қуроли тугатилиши керак;

— бирон-бир сиёсий, иқтисодий ёки бошқа мақсадларга эришиш учун куч ишлатиш ва куч ишлатиш билан дўқ-пўписа қилишга йўл қўйиб бўлмайди; бошқа давлатлар билан муносабатларда суверенитетни, мустақилликни, территориал яхлитликни ҳурмат қилиш албатта шарт;

— халқаро муаммоларни ҳал этиш, можароларни бартараф этишнинг якка-ягона усули мухолифлик эмас, балки манфаатлар мувозанатини белгилаб олиб ўтказиладиган мулоқот ва музокаралардир;

— совет экономикасини жаҳон хўжалигига қўшиш бизнинг ҳозирги халқаро меҳнат тақсимотида, илмий ва техникавий айирбошлашда, жаҳон савдосида фаол иштирок этишимизни, биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишимизни назарда тутади.

Съезд келажакда мамлакат учун, унинг халқлари учун ҳаётий муҳим аҳамиятга молик ташқи сиёсий қарорлар нодемократик йўл билан хуфёна қабул қилинишини батамом истисно этадиган ишончли гарантиялар яратиш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратади. Бундан буён барча ана шундай қарорлар СССР Олий Советида, унинг комитетларида ва палаталарнинг комиссияларида муҳокама қилинганидан кейин қабул қилиниши, жуда катта қарорлар, масалан иттифоқчилик муносабатларига, энг муҳим шартномалар тузилишига оид қарорлар халқ депутатлари съездининг муҳокамасига тақдим этилиши керак. Съезд СССР Олий Советига ўз вақтида совет қўшинларини Афғонистонга киритиш тўғрисида қабул қилинган қарорга сиёсий баҳо ишлаб чиқишни ва бу ҳақда СССР халқ депутатларининг иккинчи съездига маълум қилишни топширади. Совет давлати ташқи сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш халқ назоратида бўлиши керак.

Съезд бутун жаҳон олдида шуни маълум қиладики, СССРнинг янгича фикрлашга асосланган ташқи сиёсий йўли асосли, муқим характердадир. Бу тактик усул ҳам, чалғитиш ҳам, бирон-бир кимсага ён босиш ҳам эмас, балки совет халқининг манфаатларини ифодалайдиган ва бутун инсониятнинг манфаатларига мос келадиган, чуқур асосланган стратегик йўлдир. Съезд яна бир карра ана шу йўлни бутун халқ қўллаб-қувватлаётганини тасдиқлайди ва бу йўлни актив амалга ошириш лозимлигини қатъиян маъқуллайди.

Съезд мамлакатнинг барча гражданларига мурожаат қилади:

Ватандошлар! Сизнинг кўз ўнгингизда ва иштирокингиз билан биз, халқ депутатлари совет жамиятини ривожлантириш муаммоларини муҳокама қилдик. Ушбу муаммолар нечоғли жиддийлигига, улар биздан қанчалик куч-ғайратларни тақозо этишига ишонч ҳосил қилдик. Қийинчиликларни бартараф этиш, Ватанимизни социал-иқтисодий тараққиётнинг замонавий марраларига чиқариш учун барчамиз азму қарор берганлигимизга ҳам ишонч ҳосил қилдик. Бу ишни биз учун ҳеч ким қилмайди. Бу бизнинг мамлакатимиз, бизнинг еримиз, бизнинг социалистик Ватанимиздир.

Майли, манфаатларимиз турлича бўлсин, фикрларимиз бир ердан чиқмасин. Аммо фақат революцион қайта қуришгина янгиланган, инсонпарвар, демократик социализмга олиб келади, инсон фаровонлиги бу социализмнинг мақсад-муддаосидир — биз ҳаммамиз ана шу фикрда якдилмиз. Бундай жамият омманинг мустақиллиги ва ижодкорлиги билан куч-қудратли бўлади, оммага кенг имконият очиб беради.

Биз тўғри йўлдан бормоқдамиз. Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, идора этувчи партиянинг, жамият сиёсий авангарди бўлган партиянинг жипслаштирувчи роли нечоғли муҳимлигини тушунамиз. У қайта қуришни бошлади ва қайта қуришнинг кафолатидир. Янгиланаётган ва такомиллашиб бораётган партиягина халқ орзу-умидларини амалга ошириш ҳаракатига бошчилик қила олади.

СССР халқ депутатларининг биринчи съезди даъват этади: яхшироқ яшаш ва камол топиш учун иродамизни мустаҳкамлайлик, куч-ғайратларимизни кўпайтирайлик, қайта қуришни шижоат билан олға силжитайлик!

